

**“Тошкент вилояти, Паркент тумани “Қўшшукур” МФЙ Дехқонобод кўчаси  
ички кўчаларни жорий таъмирлаш”  
объекти бўйича**

**29-сонли пудрат шартномаси**

2022 йил “ 1 ” апрел

Тошкент вилояти

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Тошкент вилояти ҳокимияти қошидаги “YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI” INJINIRING KOMPANIYA номидан Низом асосида иш кўрувчи директор Э.Абдувалиев бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган “ПАРКЕНТ” ТЙФУК номидан Низом асосида иш кўрувчи директор Ф.Ахматхонов иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда “Тарафлар” деб юритилади, мазкур пудрат шартномасини, кейинги ўринларда “шартнома” деб юритилади, қуйидагилар тўғрисида туздилар:

**ТАРИФЛАР**

Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

**ижро ҳужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

**қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**вақтинчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.**

Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ, “Тошкент вилояти, Паркент тумани “Қўшшукур” МФЙ Дехқонобод кўчаси ички кўчаларни жорий таъмирлаш” объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларида кўзда тутилган ва ажратилган лимит маблағлари доирасида ишларни бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи ўз навбатида Пудратчига ишларни бажариши учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.**

2.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, электрон платформа танлов савдоси натижасида аниқланган баённомаси (2022 йил 29 мартдаги 38720–сонли баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда Қ Қ С билан **77 188 522** сўм (етмиш етти миллион бир юз саксон саккиз минг беш юз йигирма икки) сўмни ташкил этади.

Мазкур шартнома бўйича Буюртмачи томонидан молиялаштириладиган маблағ - **77 188 522** сўмни ташкил қилиб, шу жумладан:

- 2022 йилда молиялаштириладиган маблағ – 77 188 522 сўм;

2.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас. Қўйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш муддатини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ишлар хажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

### III.

#### I. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Мазкур шартнома шартлари бажарилиши бўйича Пудратчининг мажбуриятлари:

- шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 (беш) кунлик муддат ичида қурилишни ташкиллаштириш ва ишчи тармоқ жадвалини ишлаб чиқиш ва буюртмачи билан келишиш;
- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 1- иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
- қурилиш майдонига зарур бўлган мувофиқлик сертификатларига эга қурилиш материаллари, буюмлар, жихозлар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмларни етказиш, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;
- ҳар ҳисобот ойининг 27 санасига қадар, Буюртмачига бажарилган ишларни қиймати бўйича ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ойлик маълумотнома-ҳисоб-фактурани ва унга ижро ҳужжатларини тақдим қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қурилиш нормалари ва қоидаларига риоя қилган ҳолда, бажариладиган ишларни смета ҳужжатлари, дастлабки ҳисоб-китоб, шартномавий қиймати асосида олиб бориш;
- смета ҳужжатлари тайёр бўлмаган ҳолда (-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишни қурилиш-монтаж ишлари билан бир вақтда олиб боришга рухсат берилган ёки белгиланган муддатда келишилган/тасдиқланган смета ҳужжатларини олинмаган ҳолда) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қурилиш нормалари ва стандартларини қўллаган ҳолда ишларни олиб бориш (лойиҳачи ва буюртмачи билан келишган ҳолда);
- Барча солиқлар, Субпудратчилар, ишчи ходимлар, ёлланма ишчилар, жихозлар ва мебель инвентарларни етказиб берувчи ёрдамчи пудратчилар ҳамда етказиб берувчиларни (ишлаб чиқарувчи корхоналар) олдидаги ҳосил бўладиган қарздорликларни ўз вақтида тўлаш ҳамда ўртада келиб чиқадиган низоларни ўзаро хал этиш;
- смета ҳужжатларига қатъий амал қилиш, смета ҳужжатларига киритилмаган қўшимча ишлар ва ўзгартиришларни ўз бошимчалик билан бажармаслик, уларни албатта лойиҳачи ва буюртмачи билан келишиш;
- қурилиш майдонида техника хавфсизлиги бўйича зарур тадбирларни ўтказишни
- ишлар бошланган даврдан бошлаб ва тугагунига қадар белгиланган шаклда ишлар бажариш журналинини олиб бориш, унда қурилиш ишлари ҳам пудратчининг ўзи, ҳам жалб қилинган субпудратчилар томонидан қайд этилади ва ишлар тугаганидан сўнг ваколатли шахс томонидан ишлар бажариш журналинини тасдиқланиб, Буюртмачига тақдим қилинади;
- қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;
- қурилиш майдонини хавфсизлигини таъминлаш;
- буюртмачининг биринчи талабига асосан буюртмачидан олинган маблағларни мақсадли сарфланиши бўйича молиявий ҳисоботни (тасдиқловчи ҳужжатлар билан) тақдим қилиш;
- ушбу шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ бажариш;

3.2. Пудратчи Буюртмачи олдида объектда бажарилган ишларни тўлиқ ўз кучи ва/ёки субпудратчи томонидан ўрнатилган тартибда амалга оширилганлигига ва объект бўйича ишчи қабул комиссияси далолатномасини 5.2.-бандда кўрсатилган муддатларда топширишга мулкый жавобгар ҳисобланади.

3.3. Пудратчи ушбу шартнома бўйича объектни фойдаланишга топширилгунига қадар эгалик ҳуқуқини сақлаб қолади. Буюртмачига топширилгунга қадар пудратчи объектни тасодифий йўқ қилиш ва бузиш хавфини ўз зиммасига олади.

3.4. Қурилиш учун ажратилган маблағларни белгиланган мақсадларда ишлатиш.

3.5. Курилиш майдонини тозалаш ва тегишлича санитария ҳолатини таъминлаш.

#### **IV. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

4.1. Мазкур шартнома шартлари бажарилиши бўйича буюртмачининг мажбуриятлари:

- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш. Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
- пудратчининг барча мурожаатларини ўрнатилган тартибда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;
- смета ҳужжатларини Пудратчига тақдим қилиш;
- объектда бажариладиган ишлар устидан техник назорат олиб бориш;
- ўрнатилган тартибда Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ бажариш;

4.2. Буюртмачи:

- молиялаштирилган маблағларни мақсадли сарфланиши бўйича Пудратчидан молиявий ҳисобот талаб қилиш;
- қурилиш учун ажратилган маблағлар Пудратчи томонидан белгиланган мақсадларга сарфланмаганлиги аниқланганда маблағларни ундириш юзасидан Тошкент туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилишга;
- пудратчи томонидан ижро ҳужжатлари тақдим қилинмаганда ёки лозим даражада тақдим қилинмаганда бажарилган ишларни қабул қилишни рад қилиш;
- амалдаги қонун ҳужжатларига асосан бошқа ҳуқуқларга эга.

#### **V. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ ВА ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

5.1. Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабрга қадар амал қилади.

5.2. Мазкур шартнома бўйича ишлар Пудратчи томонидан иш жадвалига мувофиқ куйидаги муддатларда амалга оширилади:

Ишнинг бошланиши – 29 март 2022й.;

Ишни якунлаш – 10 апрель 2022 й;

5.3. Пудратчи шартномани имзолаган кундан бошлаб ишни бошлашга ва ишни муддатидан олдин бажаришга ҳақлидир.

#### **VI. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР**

6.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 апрелдаги 139-сонли қарорига мувофиқ Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдоридан, Буюртмачининг объект бўйича махсус очилган ҳисоб рақамига маблағлар келиб тушгандан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида шартнома (ёки қўшимча келишув) рўйхатдан ўтгандан кейин 10 (ўн) кундан кечиктирмаган ҳолда аванс маблағини ўтказди.

6.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилгандан кейин, ишларни бажариш ҳамда молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 100 фоиз буюртмачининг объект бўйича ҳисоб рақамига маблағлар келиб тушгандан сўнг, тўлов амалга оширилиб борилади.

Тарафлар ўртасида белгиланган тартибда расмийлаштирилган объектда бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги ҳисоб-фактуралар жорий молиялаштириш учун асос ҳисобланади.

6.3. Аванс тўловлари, жорий молиялаштириш ва объект учун якуний ҳисоб-китоблар Буюртмачи томонидан молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвалларига (1,2-сонли иловалар) мувофиқ, қурилиш лойиҳаларининг Молия органлари томонидан ажратилган маблағларга тасдиқланган манзилли рўйхатига асосан капитал қўйилмалар доирасида буюртмачининг объект бўйича шахсий ҳисоб рақамига маблағлар келиб тушгандан сўнг, амалга оширилади. Бунда 100 фоиз бўлган якуний тўловлар Пудратчилар томонидан ҳисоб-фактураларга тегишли асословчи (техник назоратчининг талабига кўра) барча ҳужжатлар Буюртмачига тақдим этилгандан сўнг амалга оширилади.

## **VII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ**

7.1. Буюртмачи курилиш майдонида ўз вакилини - техник аудиторни (назоратчи) тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар ҳажми ва сифати устидан техник назоратни амалга оширади. Шунингдек, Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва жиҳозларни шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади (зарур ҳолларда тегишли асословчи ҳужжатларни талаб этади).

7.2. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

7.3. Пудратчи ишларни бажариш сметасига ва мазкур шартноманинг V бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

7.4. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини “Курилиш соҳасида Тошкент шаҳар ҳудудий назорат инспекцияси” билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

7.5. Курилиш даврида электр, сув, газ ва бошқа коммунал хизматлардан вақтинча фойдаланганлик учун сарфланган харажатларни Пудратчи ўз маблағларидан қоплайди.

7.6. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарларини (журнал) юритади.

Пудратчи дафтарларда (журнал) Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

7.7. Пудратчиларнинг солиқлар, субпудратчилар, ишчи ходимлар, ёлланма ишчилар, жиҳозлар ва мебель, инвентарларни етказиб берувчи ёрдамчи пудратчилар ҳамда етказиб берувчиларни (ишлаб чиқарувчи корхоналар) олдидаги ҳосил бўладиган қарздорликларни ўз вақтида тўланмаганлиги ҳамда улар ўртасида келиб чиқадиган низоларни хал этиш масалалари Буюртмачи мажбуриятига кирмайди;

7.8. Пудратчи шартномада белгиланган муддатларда объектни фойдаланишга топширилгандан сўнг, 1 ойдан кечиктирмаган ҳолда якуний ҳисоб-фактурасини расмийлаштиришга мажбур. Акс ҳолда Буюртмачи объектни якуний қиймати этиб, объектни фойдаланишга топширилган вақтдаги қийматини қўйишга ҳақли.

## **VIII. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ**

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда ўзайтирилади.

8.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар курилишини муҳокама қиладилар.

8.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## **IX. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ**

9.1. Қурилиши тугулланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тарафлар бажаргандан кейин, шунингдек қурилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг амалдаги қоидаларига (ШНК 3.01.04-04) биноан амалга оширилади.

9.2. Объектни қабул қилиш Буюртмачи уни фойдаланишга топширишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчидан ёзма хабарнома олган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида амалга оширилади.

9.3. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин Буюртмачига ушбу шартноманинг 4.1.- бандига биноан Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда 2 (икки) нусхада ижро ҳужжатларини топширади. Пудратчи

9.4. Қабул қилинган кундан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## **X. КАФОЛАТЛАР**

10.1. Пудратчи куйидагиларга кафолат беради:

- барча ишларни тўлиқ хажмда ва ушбу шартнома шартларида белгиланган муддатларда ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ бажаришга;

- смета ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ, барча ишларни бажариш сифатига;

- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналар, ишлаш қоидаларига мувофиқ ишлашига.

10.3. Нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш Пудратчи томонидан ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

## **XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ**

11.1. Буюртмачи куйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақлидир:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга ошган ҳолда, Пудратчи томонидан қурилиш ишларини бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- Пудратчи томонидан шартнома шартлари, қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифатини пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа асосларда.

11.2. Пудратчи куйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақлидир:

- Буюртмачи томонидан ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа асосларда.

11.3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

11.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

11.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

11.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

11.7. Пудратчи томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда, Буюртмачи агар Пудратчини ишдан четлаштириш бўйича Тошкент вилояти ҳокимлигининг тегишли қарорлари мавжуд бўлса, шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақлидир.

## **XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

12.1. Тарафлардан бири шартномада мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликни ўз зиммасига олади.

12.2. Буюртмачи томонидан ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун мулкий жавобгарликни ўз зиммасига олади, шу жумладан:

12.2.1. Буюртмачи бажарилган иш учун тўловларни кечиктиргани учун Пудратчига ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтган тўлов миқдорининг 0,1 фоизи миқдорида жарима тўлайди, лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 5 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда.

12.2.2. Белгиланган тартибда қабул қилинган, бажарилган иш учун тўлашдан асоссиз равишда тўлиқ ёки қисман рад этган тақдирда. Буюртмачи Пудратчига у рад этган ёки ундан қочган сумманинг 5 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

12.2.3. Шартномага мувофиқ Пудратчи томонидан бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда рад этган тақдирда, Буюртмачи Пудратчига “Қурилиш соҳасида Тошкент шаҳар ҳудудий назорат инспекцияси”нинг ижобий хулосаси бўлган тақдирда, у рад этган ёки тасдиқламаган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

12.3. Пудратчининг ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Пудратчи мулкий жавобгарликни ўз зиммасига олади, шу жумладан:

12.3.1. объектни ушбу шартноманинг 5.2-банди кўрсатилган муддатда фойдаланишга топшириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 5 фоизидан ошмаслиги лозим.

Агар Пудратчи ушбу объект бўйича ишларни ўз вақтида яқунлаган бўлса, лекин ушбу шартноманинг 3.2-бандига асосан шартнома шартларини бажармаган бўлса, у ҳолда Пудратчи Буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баробари миқдорида жарима тўлайди, бунда жариманинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 5 фоизидан ошмаслиги лозим.

12.3.2. Агар бажарилган ишлар сифати бўйича стандартлар, техник шартлар, смета ҳужжатларига, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи ишларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, Пудратчидан сифати лозим даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар ишлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати лозим даражада бўлмаган ишлар учун жарима пудратчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси банк муассасасига ишларнинг сифати лозим даражада эмаслиги тўғрисидаги далолатнома тузилгандан кейин ўн кун ичида тақдим этилади. Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси белгиланган ўн кунлик муддатни бузган ҳолда тақдим этилган ҳолларда, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

12.3.3. Ишни бажаришда ва объектни қабул қилишда Пудратчи томонидан йўл қўйилган ва Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этишнинг кечикиши учун шикоят далолатномасида белгиланган муддатларда Пудратчи Буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари миқдорида жарима тўлайди, лекин нотўғри бажарилган ишларнинг шартнома қийматининг 5 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда.

12.3.4. Агар пудратчи шикоят далолатномасида белгиланган муддатларда камчиликларни бартараф этмаган бўлса, Буюртмачи ушбу шартноманинг 12.3.2. ва 12.3.3.-бандларига мувофиқ жаримага тортиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолган ҳолда, ўзи ёки бошқа Пудратчи томонидан дастлабки камчиликларни бартараф этиш ҳуқуқига эга.

12.3.5. Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги учун ушбу моддада назарда тутилган санкциялардан ташқари, шартномани бузган томон бошқа томонга у қилган ҳаражатлар, мол мулкнинг йўқолиши ёки зарарланиши, шу жумладан йўқолган фойдалар, жарималар ва жарималар билан қопланмаган зарарни қоплайди.

12.3.6. Кечиктирилганлиги ёки бошқа нотўғри бажарилганлиги учун жарималар ва пеняларни тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

### **XIII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

13.1. Ушбу пудрат шартномаси амал қилиш давомида юзага келадиган низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

13.2. Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда низолар Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

## XV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

14.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин тарафлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

14.2. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдачи пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга эмас.

14.3. Мазкур шартнома бўйича барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва тарафлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

14.4. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни, тарафлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

14.5. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

14.6. Ушбу шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳолларда, амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

14.7. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга 2 асл нусхада имзоланган.

14.8. Пудрат шартномасига илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати:

Ишларни бажариш ва молиялаштириш жадваллари.

## XVI. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

### Буюртмачи

Тошкент вилоят ҳокимлиги

“Ягона буюртмачи хизмати” ИК

Нурафшон ш. Тошкент йўли кўчаси 90-уй.

х/р: 3045218602740170452041182213

ИНН 202 230 110, ОКЭД 70 220

Тошкент вил. Ҳазначилик бошқармаси

х/р: 23402000300100001010

Банк Тош.шаҳ.МБ ХККМ

СТИР(ИНН) 201 122 919 , МФО 00 014

### Пудратчи :

“ПАРКЕНТ” ТЙФУК

Тошкент вилояти, Паркент туман,  
Кесканжар массив

х/р 2262 6000 5001 3329 9001

“Миллий банк” Бектемир ф-ли

МФО: 00 930;

СТИР (ИНН) 200 571 037



Э.Абдувалиев



Ф.Ахматхонов

**Юридик хулоса:** Ушбу шартнома шартлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва кодекслари талабларига мос келади. Шартномада кўрсатилган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ва ҳужжатлари билан тартибга солиниши ҳамда тарафларнинг жавобгарлиги ва низоларини ҳал этиш тартиби белгиланган бўлиб, улар қонун ҳужжатлари талабларига мос келади.

**“Тошкент вилояти, Паркент тумани “Кўшшукур” МФЙ Деҳқонобод кўчаси ички кўчаларни жорий таъмирлаш” объекти бўйича**

**ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ЖАДВАЛИ**

№	Объектнинг номи	Шартнома бўйича ишларнинг қиймати	2022 йил	
			апрель	
1	Қурилиш ишлари	77 188 522	77 188 522	

**БУЮРТМАЧИ:**

Тошкент вилояти ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси  
Э.Абдувалиев  
директори



Ф.Ахматхонов

“Тошкент вилояти, Паркент тумани “Кўшшукур” МФЙ Деҳқонobod кўчаси ички кўчаларни жорий таъмирлаш”  
объекти бўйича

МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

№	Молиялаштириш шартлари	Жами	2022 йил	
			апрель	
1	30 фонд бўлак	23 156 557	23 156 557	
2	70 фонд жорий молиялаштириш	54 031 965	54 031 965	
3	жами молиялаштириш	77 188 522	77 188 522	
	Жами объект бўйича	77 188 522	77 188 522	

**БУЮРТМАЧИ:**

Тошкент вилояти ҳокимлиги “Ягона буюртмачи ширмат”  
инжиниринг компанияси директори



*(Handwritten signature)*

Э.Абдувалиев

**ПУДРАТЧИ:**

“ПАРКЕНТ” ТЙФУК директори

*(Handwritten signature)*



Ф.Ахматхонов



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI  
«SHAHARSOZLIK HUIJATLARI EKSPERTIZASI»  
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Тошкент вилояти

Toshkent viloyati Toshkent sh., 100011, Abay ko'ch., 6-uy Tel: +998 71 244-43-56, Faks: +998 71 244-26-05, e-mail: vilekspertiza@mail.ru [www.mc.uz](http://www.mc.uz)

Holati: Tasdiqlandi

Direktor: Norbayev Dusmurot Elomonovich 466049367

Sana:24-11-2021 yil

### Yig'ma ekspert xulosasi № 25430

**Obyekt nomi** «Тошкент вилояти Паркент тумани Кушшукр МФЙ Дехконобод кучаси ички кучаларни жорий таъмирлаш»

**Buyurtmachi** - ИК СЕЗ Ташоблхокимията

**Bosh loyihachi** - ООО «TOSHKENT YO'L-LOYIHA»

**Litsenziya** № АЛ-001376 от 24.09.2020г

**Moliyalashtirish manbai** - Местный бюджет

**Bosh pudratchi** - Определяется по результатам тендерных торгов

**Qurilish turi** текущий ремонт

**Murojaat raqami:** № 24886

#### 1. Loyihalash uchun asos

- 1.1. Задание на проектирование по объекту «Тошкент вилояти Паркент тумани Кушшукр МФЙ Дехконобод кучаси ички кучаларни жорий таъмирлаш», утвержденное заказчиком – ИК СЕЗ Ташоблхокимията от 2021г.

#### 2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar

- 2.1. Дефектный акт по объекту «Тошкент вилояти Паркент тумани Кушшукр МФЙ Дехконобод кучаси ички кучаларни жорий таъмирлаш», утвержденный заказчиком ИК СЕЗ Ташоблхокимията от 2021г.
- 2.2. Расчет стоимости работ в текущих ценах по объекту «Тошкент вилояти Паркент тумани Кушшукр МФЙ Дехконобод кучаси ички кучаларни жорий таъмирлаш» в сумме 82 695,368 тыс.сум с НДС и без затрата заказчика.
- 2.3. Локальная ресурсная ведомость и ведомость расхода материалов.

#### 3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni

- 3.1. Представленной сметной документацией согласно Дефектного акта предусматриваются:
  - планировка площадей механизированным способом;
  - устройство подстилающих и выравнивающих слоев оснований из песчано-гравийной смеси;
  - устройство подстилающих и выравнивающих слоев оснований из щебня;
  - розлив битума;
  - устройство покрытия из горячих плотных мелкозернистых асфальтобетонных смесей толщиной слоя 6 см и др.

- 3.2. Сметная документация разработана с использованием сметно-нормативной базы, действующей в Республике Узбекистан.
- Расчетная документация составлена в договорных текущих ценах в соответствии с Постановлением КМ от 11.06.2003года №261 «О переходе на договорные текущие цены при реализации инвестиционных проектом и Постановлением КМ от 12.05.2004г. №226. «О внесении изменений в некоторые решения Правительства РУз» и «Правила по определению стоимости строительства в договорных текущих ценах»-ШНК 4.01.16-09.
- В сметной документации приняты исходные данные в соответствии норм ШНК 4.01.16-09 «Правила определения стоимости строительства в договорных текущих ценах».

#### **4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:**

-

#### **5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.**

- 4.1. Заказчиком – ИК СЕЗ Ташоблхокимията от 2021г.
- 4.2. Проектной организацией – «TOSHKENT YO'L-LOYIHA» МЧЖ» от 2021г.

#### **6. Ekspertiza natijalari.**

- 5.1.В процессе рассмотрения в документацию внесены изменения и дополнения:
- -откорректированы и уточнены сметные нормы на демонтажные работы, затраты основных строительных материалов, затраты труда рабочих-строителей, затраты на эксплуатацию машин и механизмов и др.
- 5.2. По результатам экспертного рассмотрения заявленная стоимость работ в текущих ценах в сумме 82 695,368 тыс.сум с НДС и без затрат заказчика, снижена на 2533,632 тыс.сум и составила в сумме 80 161,736тыс.сум с НДС и без затрат заказчика.
- Снижение достигнуто за счет корректировки элементных сметных норм, затрат на эксплуатацию машин и механизмов, стоимости основных строительных материалов, затрат труда рабочих-строителей и др.
- Отмечается, что уровень прочих затрат подрядной организации принят согласно пояснительной записки к сметной документации в размере 19%, а уровень отчислений по единому социальному платежу от заработной платы в размере 12%.
- 5.3. Документация представлена на экспертное рассмотрение без замечаний заказчика.
- 5.4. Заказчику, до утверждения, необходимо согласовать документацию со всеми заинтересованными организациями в установленном порядке.

#### **7. Xulosalar.**

- 6.1. Расчет стоимости сметной документации в текущих ценах по объекту **«Тошкент вилояти Паркент тумани Кушшукр МФЙ Дехконобод кучаси ички кучаларни жорий таъмирлаш»**, с учетом результатов экспертизы рекомендуется для дальнейшего рассмотрения и утверждения со стоимостью в сумме 80 161,736 тыс.сум с НДС и без затрат заказчика.
- 6.2.В соответствии с «Временным положением о порядке определения стоимости строительства объектов в договорных текущих ценах», утвержденным Постановлением КМ РУз. от 11.06.2003 г. №261 и от 03.07.2003г. №302, стоимость работ для проведения конкурсных торгов принимает заказчик с учетом требований действующих нормативных документов и др.

**Bosh mutaxassis:** NURMETOV TIMUR KURAMBAEVICH

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 38720 на приобретение Тошкент вилояти Паркент тумани Кушшукр МФЙ Дехконобод кучаси ички кучаларни жорий таъмирлаш**

Способ проведения электронный

Дата 29.03.2022

Время рассмотрения 18.03.2022 09:33

Конкурсная комиссия Тошкент вилояти ЯБХИК, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	ABDUVALIYEV ELDOR PULATOVICH	“Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси директори	“Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси
<b>Секретарь комиссии</b>	ABDURAXMONOV SAMANDAR ABDUJALILOVICH	Танлов савдоларини ташкил этиш ва хўжалик-шартнома муносабатлари бўлими бош мутахассиси	“Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси
<b>Член комиссии</b>	XALIKOV FARRUX SABIRJANOVICH	Бош муҳандис	“Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси
<b>Член комиссии</b>	SANNIYEV G‘ULOM SAYDULLAYEVICH	Танлов савдоларини ташкил этиш ва хўжалик-шартнома муносабатлари бўлими бошлиғи ўринбосари	“Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси
<b>Член комиссии</b>	GANIYEV RAUF GANIYEVICH	Танлов савдоларини ташкил этиш ва хўжалик-шартнома муносабатлари бўлими бошлиғи	“Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси
<b>Член комиссии</b>	ABRALOV BAXROM BAXODIR O‘G‘LI	Бирламчи рухсат берувчи, лойиҳа ҳужжатлари ва танлов ҳужжатларини тайёлаш бўлими бошлиғи	“Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 29.03.2022 года № лота 38720.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 60.00 / Весовой коэф. ценовой части: 40.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог</b>
Подробное описание	Курилиш таъмирлаш ишлари
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	80 161 736.00

Стартовая сумма	80 161 736.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 корхона ишчи ходимларининг малакали мутахассисларга эга эканлиги ҳамда танлов предметиининг қиймати ва хафв-хатар тоифасига қараб соҳавий электрон рейтингда ижобий кўрсаткичга эга бўлганлиги;

Тип: Текстовое значение

Описание: малакавий ишчи ходимлар тўғрисида маълумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>PARKENT TUMAN YO'L.FOYD.UK</b>	50	77188522	10	Экспертная		
<b>УП УУҚОРИЧИРЧИҚ ТУМАН YO'LL</b>	50	78855492	10	Экспертная		

Критерий №2 солиқ ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликларнинг мавжуд эмаслиги молиявий барқарорлиги бўйича баланс хисоботлари охириги уч йиллик;

Тип: Текстовое значение

Описание: молиявий барқарорлиги бўйича умумий маълумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>PARKENT TUMAN YO'L.FOYD.UK</b>	50	77188522	10	Экспертная		
<b>УП УУҚОРИЧИРЧИҚ ТУМАН YO'LL</b>	50	78855492	10	Экспертная		

Критерий №3 танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

Тип: Текстовое значение

Описание: 3 йиллик иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>PARKENT TUMAN YO'L.FOYD.UK</b>	50	77188522	15	Экспертная		
<b>УП УУҚОРИЧИРЧИҚ ТУМАН YO'LL</b>	50	78855492	15	Экспертная		

Критерий №4 пудрат ташкилотининг техникаси ва кичик механизмлари бўйича умумий маълумотлар;

Тип: Текстовое значение

Описание: пудрат ташкилотининг техникаси ва кичик механизмлари бўйича умумий маълумотлар

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>PARKENT TUMAN YO`L.FOYD.UK</b>	50	77188522	15	Экспертная		
<b>УП YUQORICHIRCHIQ TUMAN YO`LL</b>	50	78855492	10	Экспертная		

Критерий №5 асосий ва иккиламчи ҳисобварағидаги 2-сон картотека қарздорлигининг мажуд эмаслиги, ўз балансидаги асосий фондларга, мулкларга тақиқ қўйилмаганлиги, танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси;

Тип: Текстовое значение

Описание: айланма маблағи ва 2-сон картатека тўғрисида банк маълумотномаси;

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>PARKENT TUMAN YO`L.FOYD.UK</b>	50	77188522	15	Экспертная		
<b>УП YUQORICHIRCHIQ TUMAN YO`LL</b>	50	78855492	15	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
<b>PARKENT TUMAN YO`L.FOYD.UK</b>	80 161 736.00	77 188 522.00	14.03.2022 17:19:57	40.00
<b>УП YUQORICHIRCHIQ TUMAN YO`LL</b>	80 161 736.00	78 855 492.00	15.03.2022 15:16:53	39.15

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
<b>PARKENT TUMAN YO`L.FOYD.UK</b>	15.6	40	55.6
<b>УП YUQORICHIRCHIQ TUMAN YO`LL</b>	14.4	39.15	53.55

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 38720 от 29.03.2022 года на приобретение Тошкент вилояти Паркент тумани Кушшукр МФЙ Дехконобод кучаси ички кучаларни жорий таъмирлаш определила победителем:

PARKENT TUMAN YO`L.FOYD.UK  
200571037

и резервный исполнитель: УП YUQORICHIRCHIQ TUMAN YO`LL (200932575)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
----------	--------	-------------	-------------

<b>Член комиссии</b>	ABRALOV BAXROM BAXODIR O'G'LI	Согласен	
<b>Председатель комиссии</b>	ABDUVALIYEV ELDOR PULATOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	XALIKOV FARRUX SABIRJANOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	SANNIYEV G'ULOM SAYDULLAYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	GANIYEV RAUF GANIYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

Тошкент вилояти ҳокимияти "Ягона буюртмачи хизмати" ижтимоий компанияси буюртмачилигида  
Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилган объектларнинг  
2022 йилги МАНЗИЛИЙ РИХАТИ  
(2022 йил 15 февралдаги тасдиқланган маъзилли рўйхат ўрнига)

№	Объект номи ва манзили	Қурилиш бошланғич ва фойдаланиш ишга топшириш йили	Лойиҳа қуввати	Объектнинг умумий қиймати (шартнома асосида) жумладан, бюджетдан, бошқа харажатлари	01.01.22н., ҳолатга инддан ишга туручи объект қолдиқ қиймати жумладан, бюджетдан, бошқа харажатлари	01.01.22н., ҳолатга инддан ишга туручи объектнинг қолдиқ қиймати жумладан, бюджетдан, бошқа харажатлари	01.01.22н., ҳолатга инддан ишга туручи объектнинг қолдиқ қиймати жумладан, бюджетдан, бошқа харажатлари	Жами капитал қўйималар	Қурилиш монтаж ишлари	Жўк оз	Жами	жумладан, савгаш харажатлари	Қувват муддат	Асосий фонд суммаси	01.01.23н., ҳолатга инддан ишга туручи объектнинг қолдиқ қиймати жумладан, бюджетдан, бошқа харажатлари	01.01.23н., ҳолатга инддан ишга туручи объектнинг қолдиқ қиймати жумладан, бюджетдан, бошқа харажатлари	Экспертна ҳўлоси рақами ва санаси	Тендер (танлов)лар натижасига бўйича байънома рақами ва санаси	Ташкилот номи
1	Паркент тумани худудидagi ички кўчаларнинг жорин таямirlанш	2021	5,700 км	2208,563	2208,563	2208,563	2208,563	2472,612	2085,568	143,095	23,295	5,700 км	2208,563	0,000	0,000	№25480 24.11.2022н.	Дот №38863 29.03.2022н.	"ПАРКЕНТ ТУМАН YOЛ.ҒOYD.UK	
2	Бўстон МФЙ Бонғон кўчаси	2021	0,500 км	180,060	180,060	180,060	180,060	180,060	169,606	10,454	1,954	0,500 км	180,060	0,000	0,000	№25480 24.11.2022н.	Дот №38863 29.03.2022н.	"ПАРКЕНТ ТУМАН YOЛ.ҒOYD.UK	
3	Истиқбол МФЙ Бонғон кўчаси	2021	0,475 км	164,129	164,129	164,129	164,129	164,129	154,253	9,876	1,676	0,475 км	164,129	0,000	0,000	№25480 24.11.2022н.	Дот №38863 29.03.2022н.	"ПАРКЕНТ ТУМАН YOЛ.ҒOYD.UK	
4	Кўрғон МФЙ Чўстий кўчаси	2021	0,300 км	127,324	127,324	127,324	127,324	127,324	120,807	6,517	1,317	0,300 км	127,324	0,000	0,000	№25430 24.11.2022н.	Дот №38720 29.03.2022н.	"ПАРКЕНТ ТУМАН YOЛ.ҒOYD.UK	
5	Кушшўр МФЙ Деҳқонобод кўчаси	2021	0,300 км	83,191	83,191	83,191	83,191	83,191	77,189	6,002	0,802	0,300 км	83,191	0,000	0,000	№25430 24.11.2022н.	Дот №38720 29.03.2022н.	"ПАРКЕНТ ТУМАН YOЛ.ҒOYD.UK	
6	Мозорхожи МФЙ Булқоқоши кўчаси	2021	0,500 км	191,709	191,709	191,709	191,709	191,709	180,869	10,840	1,840	0,500 км	191,709	0,000	0,000	№25434 24.11.2022н.	Дот №38719 29.03.2022н.	"ПАРКЕНТ ТУМАН YOЛ.ҒOYD.UK	
7	Невич МФЙ МФЙ Дониш кўчаси	2021	0,400 км	154,396	154,396	154,396	154,396	154,396	145,691	8,705	1,505	0,400 км	154,396	0,000	0,000	№25592 24.11.2022н.	Дот №38716 29.03.2022н.	"ПАРКЕНТ ТУМАН YOЛ.ҒOYD.UK	
8	Ойбек МФЙ МФЙ Эмелпилар кўчаси	2021	0,600 км	195,569	195,569	195,569	195,569	195,569	183,523	12,046	2,046	0,600 км	195,569	0,000	0,000	№25470 24.11.2022н.	Дот №38677 29.03.2022н.	"ПАРКЕНТ ТУМАН YOЛ.ҒOYD.UK	
9	Ойбек МФЙ МФЙ Хонариқ кўчаси	2021	0,300 км	101,110	101,110	101,110	101,110	101,110	95,041	6,069	1,069	0,300 км	101,110	0,000	0,000	№25476 24.11.2022н.	Дот №38714 29.03.2022н.	"ПАРКЕНТ ТУМАН YOЛ.ҒOYD.UK	
10	Истиқбол МФЙ Бонғон кўчаси	2021	0,300 км	109,502	109,502	109,502	109,502	109,502	102,900	6,602	1,202	0,300 км	109,502	0,000	0,000	№25914 29.11.2022н.	Дот №38671 29.03.2022н.	"ПАРКЕНТ ТУМАН YOЛ.ҒOYD.UK	
11	Олмазор МФЙ Чўлқудўк кўчаси	2021	0,500 км	214,632	214,632	214,632	214,632	214,632	203,323	11,309	2,309	0,500 км	214,632	0,000	0,000	№25913 29.11.2022н.	Дот №38667 29.03.2022н.	"ПАРКЕНТ ТУМАН YOЛ.ҒOYD.UK	
12	Олмазор МФЙ Чўлқудўк кўчаси	2021	0,500 км	214,632	214,632	214,632	214,632	214,632	203,323	11,309	2,309	0,500 км	214,632	0,000	0,000	№25920 29.11.2022н.	Дот №38873 29.03.2022н.	"ПАРКЕНТ ТУМАН YOЛ.ҒOYD.UK	
13	Самаробод МФЙ Бургўний кўчаси	2021	0,300 км	115,272	115,272	115,272	115,272	115,272	108,645	6,627	1,227	0,300 км	115,272	0,000	0,000	№25920 29.11.2022н.	Дот №38873 29.03.2022н.	"ПАРКЕНТ ТУМАН YOЛ.ҒOYD.UK	

